

## XIX АСРНИНГ БОШЛАРИДА ТУРКИСТОНДА ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ЭТНОПЕДАГОГИК АҲАМИЯТИ

У. Х. Адамбаев

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси

С. З. Утегенова

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти талабаси

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада тадқиқотчи бугунги куннинг энг муҳим масласи бўлган таълим-тарбия жараёнини XIX асрнинг бошларида Туркистанда жадидчилик ҳаракати мисолида кўриб чиқкан ҳамда ўша йиллари ҳаракат аъзоларининг этнопедагогик қарашларининазарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиб унинг моҳияти ва аҳамияти тўғрисида қисқача мулоҳазалар билдирилган.

**Калит сўзлар:** жадид, маърифат, ватан, жамият, таълим-тарбия, педагогика, маданият, мафкура, мерос.

### ABSTRACT

In this article, the researcher examines the most important issue of the educational process at the beginning of the 19th century on the example of the Jadid movement in Turkestan, and also briefly analyzes the ethnopedagogical views of the movement of those years.

**Keywords:** Jadid, enlightenment, motherland, society, education, pedagogy, culture, ideology, heritage.

### КИРИШ

Педагогика тарихи кадим замонлардан тортиб, то ҳозирги кунгacha бўлган турли тарихий даврларда тарбия мактаб ва педагогика назарияларининг тараққиётини даврлар талаби асосида ўрганилиб келинмоқда ва ўрганилган. Ёш авлодни тарбиялаш ва ўқитиш назарияси билан амалиёти қандай қилиб тараққий этганини билмай туриб, келажак ёш авлодни хар томонлама комил ва фозил фарзанд этиб тарбиялаш масалалари долзарб ва муҳим хисоблай олмаймиз, амалиётда хам тадбиқ эта олишимиз учун чукур ўрганиб изланишимиз даркор. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: “Миллий тафаккурнинг

шаклланиши мохият эътибори билан озодликни қўлга киритиш билан баробардир”. Зотан, шахс ўзлигини англамас экан, у мустабиддир.

## АДАБИЁТЛАР ТАХЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

XIX аср бошларида бир қанча маърифатпарвар мударрислар Бухоро шаҳридаги 200 га яқин мадрасани ислоҳ қилишғояси билан чиқдилар. XIX аср охири XX асрнинг бошларида Туркистонда чор мустамлакачилигининг кучайиши натижасида Марказий Осиёнинг кўп жойларида жадидчилик ҳаракати кучайиб кетди. Бу ҳаракат мавжуд жамиятнинг ижтимоий-маданий асосларини кайта қуришга қаратилган сабабли эски тузум, эски турмуш, эски мактаб тарафдорларининг қучли қаршилигига дуч келди. Бу қарши куч вакиллари қадимё қадимчилар деб аталган булса янги хаёт шабадаларни олиб келишга уринган кишилар эса “Жадид” ёки “Жадидчилар” деган ном олдилар. Шу тариқа асримиз бошларида жадидлар ва жадидчилик ҳаракати юзага келди. “Жадид”сўзи арабча сўзбўлиб“янги” деган маънони билдиради. Жадидчилик жамиятни тўнтаришйўли билан эмас балки ислохотлар йўли билан ривожлантришни ўзининг асосий вазифаси деб белгилади. Жадидлар учун илм ва маърифат ягона қурол бўлиб улар шу қуролёрдами билан улкада ижтимоий-иктисодий ва маданий тараққиёт учун курашмоқчи бўлдилар. Унинг асосчиси Исломбек Гаспирали ҳисобланади. И.Гаспирали айтганидек: “*Инсоннинг оти булмаса узи хам йук демакдир шунингдек тили булмаган инсон хам соковдир*”[1, 255]. Гаспиралининг ғоялари Марказий Осиёга кенг таркалди. Жадидчилар ҳаракатининг даргалари мактаб маориф соҳасида жуда катта таргибот ишлари олиб борищдилар. Булардан ташкари яна унлаб янги усул мактаби асосчилари ва жадидчилик ҳаракатининг намоёндалари томонидан кўплаб дарслик дастур кулланма газета ва журналлар нашр этилди. Марказий Осиё жадидчилиги хакида гап кетганда буни Бехбудий Мунаввар Қори Фитрат С.Айний Исҳокхон Ибрат Шакурий каби унлаб маърифатпарвар илм даргаларининг фаолиятисиз тасаввур килиб булмайди аксинча улар хакида гап кетганда жадидчиликнинг четлаб утиб булмайди.

Шарқ ҳалқларининг маънавий хаётида мактаб-маорифида чинакам тўнтариш ясаган туркий кавмларнинг чинакам ифтихори булган Исломбек Гаспирали томонидан ишлаб чиқарилган “Усули жадид”[1, 254] номи тарихда катта урин тутгани сингари Бехбудийнинг номи хам Туркистон мактаб-маорифида кенг урин эгаллайди. У биринчи бўлиб улкада бу янгича усулдаги мактабларни ташкил этишни

таргиботчиларидан хамда амалиётчиларидан хисобланади. Бехбудий “Усули жадид” мактабининг зарурлиги унинг конун-коидалари мактабда утиладиган дарслар кандай имтихонлар олиниши мактабнинг кай тарзда тузилиш унга кандай асбоб-ускуналар кераклиги муаллимларнинг вазифалари уларнинг таъминот масалалари ва бошка кўп жихатларини Гаспиралидан ва унинг асарлари хамда маколаларидан урганди. “Усули жадид” мактабларида хамма укиш хукукига эга бўлган. Бехбудий ва Шакурий бунинг учун барча мусулмон тараккий этган шахарларидағи мактабларини урганади. Бехбудий “*ахлок ва тарбиянинг асоси-мактаб барча илмнинг боши ва ибтидоси мактаб. Саодатнинг фозил инсоннинг маънавий чашмаси-мактаб.*” Бехбудий таъкидлаганидек: “Туркистон меваси донаси тоши туфроги ва нимарсалари Оврупа бозорига кетар. Муни Оврупа доллари келиб юз баҳога олиб кетар. Мехнатни биз килармиз фойдани улар кураг” шунинг учун дейди Оврупа ила савдо килатурган киши аввало замона илми уқимоги лозим. У миллат тараккиётининг маънавияти-хам тарбияси хам иктисади хам маърифатидир” [1, 251-253].

Исхокхон янгича таълим-тарбия тизимиning нихоятда катта афзалликларини исботлашда кўпроқ узи эришган ютукларга узи амалиётга татбик килган янги методларига таянади. Исхокхон уз мактабига хафталик дарс жадвалини жорий килди. Исхокхон илгор уқитувчи сифатида болаларни мактабдан бездирувчи уларда уқитувчига нисбатан нафрат уйготувчи тан жазосига биринчилардан бўлиб бархам берди. Исхокхон факат мактабда эмас оиласда хам болани калтаклаб тарбиялаш ута нотугри усул эканлигини алоҳида таъкидлайди. “Матбааи Исхокия”нинг илм-маърифат тарқатиш максадида ташкил килинганинги яна шундан билишимиз мумкинки Исхокхон матбаага нур тарататётган куёшнинг тасвирини ишлаб куёш ичига “илм” сўзини ёзган.

Мунаввар Кори Абдурашидхонов “Шураи Исломия” жамияти раиси муовини этиб сайланди. “Хуррият берилмас уни олтину хеч нарса ила олиб булмай факат кон ва курбон билангина олинур”-дейди. Ўзбек халкини маърифатли қилишга интилган буюк мураббий 1918 йил май ойида Тошкент шаҳрида “Турк учоги” илмий-маданий жамияти тузади. У инсоннинг маърифатли бўлиб кўзи очилмагунча виждан уйғонмаса на ўзини на халкининг эркини муҳофаза кила олишини бу иймонсизлик эканини мутафаккирона нозиклик билан уз асарларида ифода этади.

Халкни ижтимоий жихатдан химоялаш хамда маънавий ислохотлар уtkазиш яъни куллик ва мұтебелик исқанжасидан

озод булиш ота-боболаримиз кадриятларини тиклаб уларга муносиб ворис булиш каби вазифаларни амалга ошириш йўлида республикамизда катта ишлар амалга оширилмоқда ва улкан имкониятлар билан биргаликда ургу берилиб ошириб келинмоқда. Айниқса биринчи Президент И.А.Каримов: “Миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва хаётга тадбик этиш”[3] хакидаги фикрлари биз тарбиячи муаллимларнинг хам ҳаракат дастуримиздир. Униб усиб келаётган ёш авлодни биз келажакка кандай караш билан тарбияласак бизнинг берган таълим-тарбиямиз мева ва натижаси хисобланади. Энг аввало биз уз кулимида турган шарт-шароит ва имкониятлардан уз вактида унумли фойдаланар эканмиз бунинг таг заминида улкан машаккатларнинг каттадан-катта зафар ва ютуклари туради. Чунки истиқлол мафкураси биз шу вактгача амал килиб келган мафкурадан фарқ килиб у халкимизнинг азалий анъаналарига удумларига динига ва тилига рухиятига умуминсоний кадриятларга садокат келажакка ишонч меҳр-окибат инсоф адолат маърифат туйгуларини кишилар онгига сингдиришга асослангандир. Хакикатдан республикамизни тараккиёт даражасига қутарадиган чинакам комил инсонни шакллантириш-бу унинг маънавиятини шакллантиришdir. Халкимизда шундай накл бор: “Бу дунёда роҳат курмокчи булсанг тижорат кил у дунё роҳат килмокчи булсанг ибодатда бул икки дунё роҳат курмокчи булсанг Комил фарзанд тарбия қил”.

Маънавият эса халкнинг асрлар давомида шаклланган хаёт тарзи бўлиб халкнинг таълим-тарбияга оид кадриятлари ана шу улкан тараккиётнинг узвий кисми бўлиб хисобланади.”Дарахтнинг етуклиги унинг меваси билан булганидек инсоннинг барча хислатлари хам ахлок билан якунланади”- дейди Абу Наср Форобий. Бу берилган алломанинг сўзларида анча катта маъно ва тахлиллари мавжуд.

Унда ёш авлодни хаётга тайёрлашда кулланган усуллар миллий урф-одатлар анъаналар тарбияга оид ғоялар мужассамланган. Бу ғоялар эса алломаларимизнинг бой ижодий меросларида уз аксини топган. Ана шундай ижодий мерос килиб колдирганлардан бири яъни асrimiz бошида маданий хаётимиз тараккиётида мухим урин эгаллаган инсон Абдулла Авлонийдир.

Абдулла Авлоний халк орасида илгор фикрларни тарқатишида илм ва маърифатни ташвик қилишда газета журнallарнинг роли ғоят катта эканлигини яхши билар эди. “Баликнинг сувсиз яшамоги мумкин булмагани каби инсоннинг хам илмсиз яшамоги мумкин эмаслигини” уқтирадилар. XX аср бошларида

Узбекистоннинг ижтимоий-сиёсий хаётида ва педагогик фикрларнинг ривожида А.Авлоний алоҳида урин эгаллади. Бутун фаолияти даврида у уз халкига хизмат киладиган комил инсонни етишириш унинг маънавиятини шакллантиришга алоҳида эътибор берди. А.Авлоний узбек халкининг саънати ва адабиёти хамда миллий маданиятини халк таълими ишларини йўлга қувишда катта хизматлар килган адаб жамоат арбоби ва истеъододли педагогидир. Авлонийнинг “Иккинчи муаллим” китоби “Биринчи муаллим” китобининг узвий давомидир. Унинг педагогикага оид асарлари ичida “Туркий Гулистон ёхуд ахлок “асари XX аср бошларидағи педагогик фикрлар тараққиётини урганиш соҳасида катта ахамиятга моликдир.

Узбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида ёзилишича: А.Авлоний -”Тарбия биз учун ё хаёт-ё мамот ё нажот-ё халокат ё саодат-ё фалокат”[2, 62].

А.Авлоний педагог сифатида бола тарбиясининг роли хакида фикр юритиб “Агар бир киши ёшлигида нафси бузилиб тарбиясиз ахлоксиз бўлиб усдими аллоҳу акбар бундай кишилардан яхшилик кутмок ердан туруб юлдузларга кул узатмак кабидур”-дейди. Унинг фикрича болаларда ахлокий хислатларнинг таркиб топишида ижтимоий мухит оиласвий шароит ва боланинг атрофидаги кишилар ғоят катта ахамиятга эга. Узбек этнопедагогикини тарихида Абдулла Авлоний биринчи марта педагогикага “Педагогия” яъни бола тарбиясининг фани демакдир” деб таъриф берди. Абдулла Авлоний бола тарбиясини нисбий равишда қуидаги 4 булимга ажратади: 1.”Тарбиянинг замони”. 2. “Бадантарбия”. 3. “Фикр тарбияси”. 4. “Ахлок тарбияси”. “Тарбиянинг замони” булимида тарбияни ёшликтан бериш зарурлигини бу ишга хаммани: Ота-она муаллим хукумат ва бошкаларнинг киришиши кераклигини таъкидлайди.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Тарбия хусусий иш эмас миллий ижтимоий ишdir. Хар бир халкнинг тараккий қилиши давлатларнинг кудратли булиши авлодлар тарбиясига кўп жихатдан баглик деб хисоблайди. Тарбия зурриёт дунёга келгандан бошланиб умрнинг охирига кадар давом этади у бир қанча боскичдан уй богча мактаб ва жамоатчилик тарбиясидан ташкил топган. А.Авлоний тарбиянинг доирасини кенг маънода тушунади уни биргина ахлок билан чегаралаб куймайди. У биринчи навбатда боланинг соглиги хакида гамхурлик қилиш лозимлигини уқтиради. Унинг фикрича соглом фикр яхши

ахлок илм-маърифатга эга булиш учун бадани тарбия қилиш зарур баданинг саломат ва кувватли булмоги инсонга энг керакли нарсадур чунки укимок укитмок урганмок ва ўргатмоқ учун инсонга кучли касалсиз жасад лозимдир. А.Авлоний бадантарбияси масаласида болани соглом килиб устиришда отоналарга мурожаат килса боланинг фикр томонидан тарбиялашда укитувчиларнинг фаолиятларига алохиди эътибор беради. Болаларда фикрлаш кобилиятини устириш ва бу тарбия билан мунтазам шугулланиши бенихоя зарур ва мукаддас бир вазифа. Бинобарин бу муаллимларнинг диккатларига суялган вижданларига мукаддас бир вазифадир негаки фикрнинг куввати зийнати кенглиги муаллимнинг тарбиясига bogликдир. Айни замонда тълимтарбия бир-бирига чамбарчас узвий bogлик ва ажралмасдир. Дарс ила тарбия орасида бир оз фарқ бор булса хам иккинчиси бир-биридан айрилмайди. Бирининг вужуди бирига бойланган. Жон ила тан кабидир. А.Авлонийнинг фикрича Инсон бутун борликнинг курси ва шарафидир. Инсон ўз гузаллиги ва мураккаблиги билан коинотдаги барча маҳлукотлардан афзалдир.Бутун мавжудот инсонга хизмат қилиши керак чунки инсон унинг сохибидир.Чунки инсоннинг акли бор у шу акл ёрдамида илм эгаллайди илм туфайли дунёни бошкаради. “Ақл” дейди А.Авлоний инсонларнинг пиру камоли муршиди ягонасидир рух ишловчи ақл бошловчидир инсонни хайвонлардан сўз ва акл ила айримишдир лекин инсон ақл ва идрохи соясида узига келадиган зарап ва зулмлардан сакланур ер юзидағи хайвонларни асир килиб буйнидан бойлаб ипларини учини кулларга берган инсонларнинг аклидур Авлоний инсонга ва унинг аклига ана шундай юксак даражада баҳо беради. Илм инсонларнинг мадори хаёти раҳбари нажотидур агар аклингни кули нафс жилосини ушласа сани ёмон йўлларга кирмокдан саклар. Хар нарса кўп булса баҳоси арzon булур аммо акл эса илм ва тажриба соясида қанчакўпайса шунча кўпайса шунча кимматбаҳо булур.

## ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, этнопедагогика тарихини ўрганиш ўқитувчиларнинг факат педагогик маданиятини оширибина колмай,балки, шу билан бирга, унга яъни укитувчига педагогик маҳоратни эгаллашга ёрдам беради,уни бевосита амалий фаолиятга тайёрлайди. Демак, этнопедагогика тарихи ижтимоий фандир,у тарихий педагогика ходисаларига давр талаби асосида ёндошади ва илгарилаб бораётган замон талабларига асосан илгор карашларнинг тараккиёт ва

ривожланиш йулларини курсатиб беради. Энди таълим-тарбия масаласига тубдан карайдиган булсак, бизга бу масала 1-уринда сув ва хаводек зарур, чунки улар бир-бирлари билан узвий чамбарчас боғлиқдир ва мухим масалалардан бири хисобланади. Бу масалага жиддий ёндошмасак, унинг охири жуда хам бизга кимматга тушади, ахир устозларимиз бежизга айтишмаган хамда бу туғрисида шундай бир чиройли хulosага келишганки: “Бу дунёда роҳат курмокчи булсанг-тижорат килиб, илм изла, у дунёда роҳат курмокчи булсанг ибодат кил, агарда икки дунё роҳат курмокчи булсанг комил фарзанд тарбият кил” деб бежизга айтиб утишмаган. Ахир устозларимиз юксалишимизга.ота-оналаримиз камол топишимизга сабабчи инсонлардир, зеро шундай экан демак, биз бу берилаётган ишонч ва имкониятлардан тугри ва оқилона уз жойида фойдалана олсак марра бизницидир, тарбия оиласдан бошланса хаммаси уз урнида кетма-кетликда булса бизнинг порлок келажагимиз хам шунга яраша ва максадга мувофик булар эди. Ахир таълим-тарбия бир карвонга ухшаса, унинг ортидан эргашган комил инсонлар шунга яраша уз мукофот ва даражасига эга булишади.

## REFERENCES

1. Педагогика тарихи. – Тошкент: «Ўқитувчи», 2014.
2. Хаёт ва турмуш одоби. – Тошкент: 1996
3. Каримов И.А. “Юксак маънавият-енгилмас куч. “Маънавият”, – Тошкент: 2008.
4. Umidbek Adambayev. (2021) Faith – the conception of belief and steps to develop it / Actual problems of modern science, education and training. – pp. 96-100.
2. Umid Adambayev. (2021). Milliy o’zlikni anglash millat taraqiyotining poydevori // Scientific progress. – pp. 1858-1862.
3. Адамбаев Умидбек Хайтбаевич. (2022) Ишонч–эътиқодни шакллантиришда урф-одат ва анъаналарнинг таъсири // Scientific progress. – pp. 348-351.
4. Умидбек Хайтбаевич Адамбаев, Дустмурод Э. (2022) Экологик маданият ва уни шакллантириш // Academic research in educational sciences. – pp. 125-134.
5. Umidbek Xaitbayevich Adambayev, Sirojiddin U. (2022) Navro ‘z bayrami va uning etnomadaniy ahamiyati. Academic research in educational sciences. – pp. 175-177.
6. Умидбек Хайтбаевич Адамбаев. (2022) Ишонч-эътиқодни шакллантиришда аргументлашнинг ўрни // Academic research in educational sciences. – pp. 898-905.
7. Adambaev U. (2021). Confidence-nonverbal methods of argumentation in the formation of the verb // Экономика и социум. – С.18-21.